



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “17 ” феврал

Қ-221 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган  
ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлик  
ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари  
тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги 61-сон  
ва вилоят ҳокимининг 2021 йил  
13 февралдаги Қ-83-сонли қарорлари  
ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлик ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги 61-сон ва вилоят ҳокимининг 2021 йил 13 февралдаги Қ-83-сонли қарорлари (кейинги ўринда – қарор деб аталади) маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Қарорга кўра:

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлик ўтишни таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”;

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлик ўтишни таъминлаш бўйича республика ишчи гуруҳи тасдиқланганлиги;

вазирлик, идора ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ масалаларга зарур маблағлар ажратишни назарда тутиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

Туманда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофик;

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича туман ишчи гуруҳи 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

4. Туман идора, ташкилот ва корхоналар “Йўл харитаси”да белгиланган топшириқлар ижросининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг  
2021 йил "17" февралдаги  
№ 18-221" -сон қарорига 1-илова

**Туманда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича  
"Йўл харитаси"**

№	Амалга оширилган тадбирлар	Ижро механизмлари	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
1.	Ахборот кутубхона марказлари, ташкилотлар ва бошқа кутубхоналарнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги адабийётлар билан босқичма-босқич бойитиб борилишини таъминлаш	<p>Ҳар бир тумандаги идора ва ташкилотлар, ўз тизими доирасида режа-дастур ишлаб чиқиш</p> <p>Режа-дастурга мувофиқ кутубхоналар фондини лотин алифбосидаги адабийётлар билан бойитиш</p>	2022 йил март	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Туман ташкилотлари, Ахборот ресурс маркази, туман Халқ таълими бўлими, манфаатдор туман идора ва ташкилотлари
2.	Интернет тармоғидаги туман ҳокимлиги, идора ва ташкилотлар расмий веб-сайтларининг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтказилишини таъминлаш	<p>Давлат органлари, давлат ишгириқидаги ташкилотлар ҳамда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситаларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги</p>	2022 йил декабрь	-	Туман ҳокимлиги, Ахборот ресурс маркази, "Қумқўрғон садоси" газетаси манфаатдор бошқарма, идора ва ташкилотлар, туман аълоқа бўлими

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро механизмлари	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		веб-сайтлари ва саҳифаларида дастлабки юкланиш лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида амалга оширилиши таъминлаш			
3.	Иш қозғалари, турли бланкларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш	Режа-жадвал ишлаб чиқиш. Тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш	2022 йил ноябрь 2022 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари, хомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Туман идора ва ташкилотлари, Туман ҳокимлиги
4.	Тумандаги жой, кўча, атамалар, ташкилотларнинг номлари, пешлавҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонларни тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш	Режа-жадвал ишлаб чиқиш. Тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш	2022 йил ноябрь 2022 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари, хомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Туман ДСИ, туман идора ва ташкилотлари, Халқ таълим муассасалари, туман ҳокимлиги
5.	Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва	Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритишга тўлиқ ўтишини	2023 йил 1 январдан бошлаб	Ижрочилар маблағлари, хомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Туман идора ва ташкилотлари, Халқ таълим муассасалари, Туман ҳокимлиги

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро механизмлари	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	эълон қилиш амалиётини тўлиқ жорий қилиш	таъминлаш			
6.	Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритишга тўлиқ ўтишни инобатга олиб, туман бошқарма, идора ва ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар ходимларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритиш билим ва кўникмаларини шакллантириб бориш	Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази вилоят бўлинимасида навбатма-навбат ходимларни лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбоси боси, имло қоидалари ва давлат тилида иш юритиш бўйича ўқитиб бориш	2021 йилдан бошлаб	Малака ошириш учун берилган бюджет маблағлари	Туман идора ва ташкилотлари, Туман ҳокимлиги
7.	Тумандаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари бинолари пештоқларидаги номлар, шунингдек, бинолар пештахталаридаги ёзувлар, бино ичи ва тегишли ҳудудларда ўрнатилган тарғибот ва кўргазмали воситалар, шиорлар ва бошқа лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилган ёзувлардаги имловий хатоликларни тузатиш	Хатловдан ўтказиш. Аниқланган хатоликларни тузатиш	2021 йил февралдан бошлаб	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Туман идора ва ташкилотлари, Халқ таълим муассасалари, Туман ҳокимлиги



Туман ҳокимининг  
2021 йил “ 17 ” февралдаги  
“ 18-221 ”-сон қарорига 2-илова

**Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича туман ишчи гуруҳи таркиби**

1. Р.Гаппаров - туман ҳокими, Ишчи гуруҳи раҳбари
2. К.Чоршанбиев - Халқ депутатлари туман Кенгашининг котибияти мудир
3. М.Култаев - туман ҳокимининг биринчи ўринбосари
4. С.Исаев - туман ҳокимининг ўринбосари
5. А.Раҳмонқулов - туман ҳокимининг ўринбосари
6. Н.Алланазаров - туман ҳокимининг ўринбосари
7. Қ.Алматов - туман ҳокимининг ўринбосари
8. З.Хидирова - туман ҳокимининг ўринбосари
9. А.Қурбонова - Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси
10. Р.Султонов - туман Адлия бўлими бошлиғи
11. Ш.Паянов - туман Молия бўлими бошлиғи
12. Х.Улуғова - туман Мактабгача таълим бўлими бошлиғи
13. Н.Исматов - туман Халқ таълими бўлими бошлиғи
14. *Лавозимига кўра* - Тумандаги 1 ва 2- сонли касб хунар мактаблари директорлари
15. *Лавозимига кўра* - тумандаги агросаноат ва агротехнологиялар техникуми директорлари
16. М.Абдуллаев - туман Маданият бўлими бошлиғи
17. Ҳ.Раҳмонқулов - туман Ахборот ресурс маркази раҳбари
18. А.Холтўраев - Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи
19. Ш.Мамадиев - Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари
20. Р.Менгзиёева - “Қумқўрғон садоси” газетаси муҳаррири

21. Ш.Бобоназаров - туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ишчи гуруҳи котиби

**Изоҳ:** Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.